

4. N.W.Widiyanti, B.Maharani, I.Purnamawati. Accounting Treatment of Biological Assets for Agricultural Companies in Jember and Bondowoso. *Journal of Finance & Banking Studies* 7(2), 2018: 58-65 pp.
5. Агошкова Н.Н. Совершенствование учета воспроизводства внеоборотных биологических активов в сельском хозяйстве // *Международный бухгалтерский учет*. 15 (261) – 2013. 20-28 ст. <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-ucheta-vosproizvodstva-vneoborotnyh-biologicheskikh-aktivov-v-selskom-hozyaystve>.
6. В.Ф.Палий *Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. – 417 с.*
7. З.У.Махаммадиев. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2021. – 156 б.
8. Б.Ю.Менгликулов Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2023. – 203 б.
9. Ситдиқова Л.Ф. Развитие учета биологических активов в сельскохозяйственных организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Нижний Новгород – 2013. – 24 ст.
10. Khushvakhtzoda K, Nazarov D. The Fuzzy Methodology's Digitalization of the Biological Assets Evaluation in Agricultural Enterprises in Accordance with the IFRS. *Mathematics*. 2021; 9(8):901. <https://doi.org/10.3390/math9080901>
11. Puta Arbidane, Iveta Mietule. Problems and solutions of accounting and evaluation of biological assets in Latvia. *Entrepreneurship and Sustainability Issues*, 2018, 6 (1), pp.10-22. 10.9770/jesi.2018.6.1(1). hal-01947873.



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАСИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамасоатов Дилшод Равшанович -
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
катта ўқитувчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a66](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a66)

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларларини сотиш бўйича электрон савдо майдончасидан фойдаланиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматлар электрон савдо майдончаси орқали сотишни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилиб, бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари учун электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, экспорт, электрон савдо майдончалари, File Transfer Protocol, инфратузилма хизматлари, интернет бизнеси, электрон тижорат, электрон дўкон, business to business, корхонанинг корпоратив веб-сайти.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ТОРГОВОЙ ПЛОЩАДКИ ДЛЯ РЕАЛИЗАЦИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

Мамасоатов Дилшод Равшанович -
старший преподаватель Университет журналистики
и массовых коммуникация Узбекистана

Аннотация. В статье рассматривается целесообразность использования электронной торговой площадки для реализации субъектами хозяйствования сельскохозяйственной продукции, а также целесообразность организации реализации товаров и услуг, созданных субъектами хозяйствования, через электронную торговую площадку.

Ключевая слова: предприниматели, экспорт, электронные торговые площадки, протокол передачи файлов, инфраструктурные услуги. Интернет-бизнес, электронная коммерция, интернет-магазин, бизнес для бизнеса, корпоративный сайт предприятия.

IMPROVING THE USE OF THE ELECTRONIC TRADING PLATFORM FOR THE SALE OF AGRICULTURAL PRODUCTS BY ENTERPRISES

Mamasoatov Dilshod Ravshanovich -
Senior teacher of journalism and mass
communication university of Uzbekistan

Abstract. The article discusses the feasibility of using an electronic trading platform for the sale of agricultural products by business entities, as well as the feasibility of organizing the sale of goods and services created by business entities through an electronic trading platform.

Keywords: entrepreneurs, exports, electronic marketplaces, file transfer protocol, infrastructure services. Internet business, e-commerce, online store, business to business, enterprise corporate website.

Кириш. Тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш халқаро савдода рақобатдош устунликни таъминлайди ва бунинг учун мазкур тизимни ривожлантириш ва рағбатлантириш бугунги кунда жуда муҳим ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, савдо соҳасида рақамлаштиришнинг сезиларли ўзгаришига олиб келади. Электрон савдо майдончалари бугунги кунга келиб, нафақат оддий фуқароларнинг ҳаётига кириб борди, балки унинг ривожланишини рағбатлантирувчи давлатлар учун халқаро савдода рақобатдош устунликка айланди.

Электрон тижоратни ривожлантириш борасида ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Жумладан, Янги Зеландияда компанияларнинг 45 %дан ортиғи онлайн савдода иштирок этади, Греция, Италия, Мексика ва Туркияда бу кўрсаткич атиги 10 % ёки ундан паст. Ривожланган давлатлар электрон савдо каналлари орқали товарлар ва хизматлар экспортини ривожлантиришга қаратилган сиёсатни амалга ошироқда. Улар интернет стартапларини қўллаб-қувватлашга, тадбиркорлик субъектларининг электрон тижоратни ривожлантириш стратегияларини қабул қилишга, кичик ва ўрта бизнеснинг ўз миқозлари ёки етказиб берувчилари бўлган йирик компаниялар билан электрон шерикчиликка ёки тармоқлараро бирлашмаларга электрон тижорат потенциални ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар сифатида чорлайди. Тадбиркорлик субъектлари ўзлари учун электрон савдо майдончасидан фойдаланган ҳолда ўз маҳсулотларини электрон дўкон орқали сотишлари мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикаимизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур масалада С.Хасанов қуйидаги муаммо ва камчиликларни келтирган: "...транспорт ва логистика соҳаси замон талабидан ортда қолмоқда; мавжуд совутгичларнинг аксарияти маънан эскирган, технологик жиҳатдан янгиланмаган, замонавий технология ва рақамли инновацион ишланмалар лозим даражада татбиқ этилмаган" [1], Ш.Т.Хасанов республика қишлоқ хўжалигидаги жорий муаммоларни қуйидагича тавсифлайди: "...дойимий миқозлар ва барқарор етказиб берувчиларнинг етишмаслиги; улгуржи ва савдо тизимини молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар" [2], К.И.Сирождидинов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортидаги муаммолардан яна бири, етиштирилаётган маҳсулотнинг ривожланган мамлакатлардаги мавжуд стандартларга номувофиқлиги деб ҳисоблайди [3], Х.Л.Тургунов

ахборот алмашилини рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлиги, бунда, айниқса, қишлоқ ва туманлар фаоллигини таъминлашга катта эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди [4]. Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалиги бўйича етакчи иқтисодчиси Сергей Зоря [5] мамлакатимизнинг агроозиқ-овқат маҳсулотлари экспортидаги қуйидаги масалаларга эътиборини қаратади:

Биринчидан, 2018 йилда Ўзбекистон агроозиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қиймати борйўғи 1,3 млрд. долларни ёки ҳар гектар маҳсулдор ерга нисбатан 330 долларни (2020 йилда пандемия шароитига қарамасдан, 1008,6 млн. АҚШ доллари қийматли 1485,0 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинган) ташкил қилди. Таққослаш учун, ўша йили Вьетнам 40 млрд. АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилган. Бу давлатнинг экспортдан олган фойдаси ҳар бир гектар ерга ўртача 6100 долларни ташкил қилади.

Иккинчидан, жаҳон савдо ташкилоти таркибига кириш учун ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳот ва чора-тадбирлар Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавотларни жаҳоннинг кўпчилиги мамлакатларига экспорт қилиш имконини беради.

Учинчидан, экспорт имкониятларини амалга оширишда меҳнат ресурсларининг кенг миқёсда иштирок этишини таъминлаш заруратидир [6].

Тадқиқот методикаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича электрон савдо майдончасидан фойдаланиш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, экспорт тарифи ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантқиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез усуллари билан кенг фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар. Бозорда товарларни сотиш, сотиш ҳажмини ошириш ва янги харидорларни жалб қилиш учун Халқаро даражада В2В (Business to business) сектори мавжуд бўлиб, бу хизматлар электрон савдо майдончаларидан (ЭСМ) фойдаланиш шаклида тақдим этилади. Ҳар қандай Интернет-ресурс ЭСМ сифатида хизмат қилиши мумкин, бу орқали харидор ва сотувчилар ўртасида олди-сотди битимлари тузилади. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган (1-расм).

Сайтдан фойдаланиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Буюртма бериш. Фойдаланувчи, одатда, керакли товарлар ёки хизматларни танлаши, шу билан биргаликада, тўлов ва етказиб бериш усулидан фойдаланиш имкониятига эга. Танланган товарлар тўплами, тўлов ва етказиб бериш усули харидор ҳақида минимал зарур маълумотларни юбориш орқали сайтда расмийлаштирилган тугалланган буюртма ҳисобланади. Кўпинча, буюртма бериш вақтида харидордан сотувчига кўшимча истакларни етказиш имконияти берилади.

2. Буюртма учун тўлов. Қуйидаги тўлов усуллари қўлланилади:

- банк картаси – кўпинча хавфсизлик нуқтаси назаридан қилинадиган нақдсиз ҳисоб-китоб тури;
- банк ўтказмаси – буюртма учун тўлов В2В тизимларида тез-тез ишлатиладиган дўконнинг ҳисоб рақамига банк тўлов топшириғи билан амалга оширилади;
- нақд пул – товарлар харидор томонидан қабул қилинганда, курьерга нақд пул билан тўланади;
- электрон пул – нақд пулсиз ҳисоб-китоб тури.



1-расм. Электрон савдо майдончаси ва ундан фойдаланиш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Улар пул эмас, балки чеклар, совға сертификатлари ёки бошқа шунга ўхшаш тўлов воситаларини (тизимнинг ҳуқуқий моделига ва қонунчиликнинг чеклашларига қараб) ифодалайди. Электрон пул банклар томонидан ёки бошқа ташкилотлар томонидан чиқарилган бўлиши мумкин. Одатда, электрон пул масаласи лицензияланмайди ва давлат томонидан назорат қилинмайди, бироқ кўплаб мамлакатларда қонунчилик базасини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Электрон пул ва анъанавий нақд пул ўртасидаги асосий фарқ: электрон пул ҳар қандай ташкилот (пул ўрнини босувчи) томонидан берилган тўлов воситаси бўлиб, оддий пул (нақд пул ёки нақд пулсиз) маълум бир мамлакатнинг Марказий давлат банки томонидан берилади.

3. Буюртмани етказиб бериш. Буюртма юборилгандан сўнг сотувчи харидор билан боғланади ва буюртма берилиши керак бўлган жой ва вақтни аниқлайди. Етказиб бериш ўз курьер хизмати ёки етказиб бериш хизматларини кўрсатувчи компания ёки почта орқали амалга оширилади.

Электрон почта орқали, FTP (File Transfer Protocol) – тармоқ орқали файлларни узатиш протоколи орқали файлга кириш, сайтнинг хавфсиз майдонига кириш ва ҳоказо. Шунингдек, виртуал дўкондаги электрон савдо анъанавий савдо билан бир хил тузилишга асосланган.

Бугунги кунда анъанавий ва электрон тижоратни ўзаро солиштирганимизда уларнинг фарқини кўришимиз мумкин (1-жадвалга қarang).

Анъанавий ва электрон тижоратнинг қиёсий тавсифи

Анъанавий дўкон	Интернет магазин
Харидор савдо майдончасида пиёда юради ва дўкон жавонларидаги товарларни текширади	Харидор интернет орқали маҳсулот намуналарини кўриши
Харидорнинг сотувчи билан шахсий алоқаси (маслаҳат) Харидор товарни танлаши	Харидор интернет ёки телефон орқали сотувчи билан маслаҳатлашиши (агар керак бўлса)
Сотувчи томонидан ёзилган ариза ва буюртма қилинган товарларни тўлаш учун Харидорга сўёт-фактурани етказиб бериш	Харидорнинг товарларни танлаш имконияти мавжуд
	Интернет орқали товарларга буюртма бериш
Харидор томонидан дўкон кассасида товарлар учун сўёт-фактурани нақд ёки кредит карта орқали тўлаш	Сотувчи томонидан интернет орқали харидорга буюртма қилинган товарларни тўлаш учун сўёт-фактурани юбориш
	Харидор томонидан ҳисоб-фактурани электрон тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда тўлаш (банк картаси, электрон чек, электрон пул)

Манба: муаллиф ишланмаси.

Тадбиркорлик субъектлари учун ўз маҳсулотларининг сотувини тезлаштириш ва уларни ўз вақтида мижозларга етказиб беришнинг

интернет орқали сотуви афзалликлари мавжуд (2-жадвалга қаранг).

Интернет савдосининг афзалликлари

Интернет орқали сотишнинг афзалликлари	Интернет орқали харид қилишнинг афзалликлари
Жаҳоннинг янги бозорларига кириш	Турли хил маҳсулотларнинг глобал танлови
Куну тун ишлаш хизмати	Исталган вақтда ва исталган жойдан фойдаланиш имконияти
Чексиз миқёсдаги тадбиркорлик	Муқобилларини кўриш ва солиштириш осон
Вақт ва ресурсларнинг капитал ва операцион харажатларини камайтириш	Паст нархларда тўғридан-тўғри етказиб бериш
Ҳар бир шахсга хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни индивидуаллаштириш	Талабномаларни индивидуаллаштириш, товар ҳақида хабардорлигининг ошиши
Юқори бизнес мослашувчанлиги, бухгалтерия ҳисоби, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва ўзгартиришга жавоб беришнинг юқори сифати	Юқори сифатли хизмат ва қулай фойдаланиш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шу билан бирга, электрон савдо майдончасининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:


- электрон тижоратни саноат стандартлари нуқтаи назаридан ривожлантириш қоидаларини ўрнатиш;
- тартибга солиш ва божхона жараёнларини соддалаштириш;
- ўрнатилган нархни пасайтириш;
- солиққа тортишни уйғунлаштириш;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам бериш;
- товарлар, молия ва маълумотлар оқимини осонлаштириш.

Ушбу тартиб ҳукуматлар кўмагида корхоналар томонидан амалга оширилади – корхоналар электрон тижорат марказларини яратади, ҳукуматлар эса кичик корхоналар учун виртуал эркин савдо зоналарини яратиши мумкин. Ушбу электрон марказлар бир мамлакатда тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини бошқа мамлакатдаги тезкор божхона расмийлаштируви, импорт божлари камлиги ёки умуман олин-

маслиги ва логистика хизматларидан яхшироқ фойдаланиш имкониятига эга бўлган истеъмолчиларга сотиш имкониятини беради. Аммо бунинг учун ҳукуматлар универсал бозор қоидалари ва божхона расмийлаштируви тартиблари, тарифларни пасайтириш ва шу каби бир қатор масалаларда келишиб олиши керак.

Корпоратив веб-сайтни яратиш – муҳим вазифа, савдо-сотиқнинг муваффақиятли ривожланиши ва савдо-сотиқнинг ривожланиши унинг тўғри ечимига боғлиқ. Бундай сайт, биринчи навбатда, мижозлар билан алоқа сиёсатини амалга ошириш харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради, чунки Интернетда реклама, кўпинча, арзон ва фойдалидир. Электрон савдо майдончасида (ЭСМ) ишлаш стратегиясини амалга ошириш алгоритминини кўриб чиқадиган бўлсак, у қуйидагича бўлади (2-расм).

Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланишига мисол сифатида экспорт қилувчилар ўз маҳсулотлари ёки хизматларини реклама қилишлари мумкин бўлган сайтларни яратиш мумкин.



2-расм. Электрон савдо майдончасида (ЭСМ) ишлаш стратегиясини амалга ошириш алгоритми

Манба: муаллиф ишланмаси.

Сайтнинг асосий мақсади экспортнинг ҳам самарали ривожланишига қўмаклашиш ва шу билан биргаликда, маҳаллий экспортчиларга ўзларининг товарлари ва хизматларини ташқи бозорларга олиб чиқиш воситаси сифатида зарур ахборот ёрдамидан тақдим этиш орқали Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, савдо билан боғлиқ процедураларнинг ўтишини энгиллаштиришдир.

Бундан ташқари сайт хорижлик шерикларга ички бозорда маҳаллий товарлар ва хизматларни етказиб берувчилар тўғрисида ҳамда халқаро иқтисодий ҳамжамиятни ташқи савдонинг бойлиги ва хилма-хиллиги тўғрисида хабардор қилишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъекларининг экспорт салоҳиятини оширишда электрон савдо майдончасидан

фойдаланишни такомиллаштириш орқали бир қатор вазифалар ҳам ўз ечимини топади:

1. Тадбиркорлик субъектлари экспорти самарадорлигини баҳолаш экспорт фаолиятини инновацион ривожлантириш, халқаро бозорини комплекс тадқиқ қилиш ва инновацион фаолият йўналишларини аниқлаш, тадбиркорлик субъектлари экспортида рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳудуд ёки мамлакат экспорт тизимини истиқболли стратегиялари бўйича бир қатор қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

2. Тадбиркорлик субъектлари экспорти рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланиш самарадорлиги бозорини комплекс тадқиқ қилиш ва инновацион фаолият йўналишларини аниқлаш, тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришда рақамли иқтисо-

диёт платформаларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳудуд экспорт тизимининг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Экспорт самарадорлигини ошириш учун, аввало, унинг салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш масалаларини тизимли тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан ёндашув талаб этилади.

4. Тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт технологияларининг кўрсаткичлари ҳажми таъсири-

ни баҳолашнинг инновацион фаолият самарадорлигини белгилаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

5. Тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт платформаларидан самарали фойдаланиш натижасида унинг иқтисодий самарадорлиги, техник кўрсаткичларини яхшилашга эришиш мумкин. Уни баҳолаш натижаси эса хизматларни тижоратлаштиришнинг мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ифодалайди.

Манба ва фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Хасанов С. Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари. // "Экономическое обозрение" журнали. 2020 йил, 6 (246)-сон.
2. Ҳасанов Ш.Т. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ривожланишининг асосий йўналишлари. // «Аграр тармоқ иқтисодий салоҳиятини оширишда институционал ислоҳотлар ва агрокластерларни ривожлантиришнинг ўрни: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДАУ таҳририят нашриёт бўлими, 2021. 9-11-бетлар.
3. Сирожиддинов К.И. Мева-сабзавот экспортини ривожлантириш масалалари. // Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar. 2 (13)-сон. 2021 йил, апрель-июнь, 41-46-бетлар.
4. Тургунов Х.Л. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятлари ва муаммолари. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy-elektron jurnali. 6-son, noyabr-dekabr, 2021-yil.
5. Сергей Зоря. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида қишлоқ хўжалиги муаммолари бўйича етакчи иқтисодчиси.
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини самарадор ва рақобатбардош қилиш йўллари. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/07/08/agriculture/>
7. Мамасоатов Д.Р. Тадбиркорлик субъектлари экспортида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2020. – 120 бет.
8. Ғуломов С.С., Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Рақамли иқтисодиёт Ўқув қўлланма. – Т., 2020 й.
9. Абдуллаев О.М., Фаттохов А.А., Ахмедов К. Рақамли иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т., 2020 й.
10. Дадабаева Р.А., Шоахмедова Н.Х., Ибрагимова Л.Т. ва бошқалар. Иқтисодиётда ахборот-коммуникациялар ва тизимлар. Ўқув қўлланма. – Т., 2019 й.



ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИНГ АГРАР СОҲА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ (СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА)

Отамуродова Дилдора Абдукаримовна -
Териз муҳандислик технология
институтини ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a67

Аннотация. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги тармоқларида экологик омил сифатида тупроқнинг турли даражада шўрланганлигининг пахта, ғалла ҳосилдорлигига таъсири ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили. Тупроқнинг шўрланишини олдини олиш, иқтисодий самарадорликни яхшилаш бўйича тавсиялар.

Калит сўзлар: экологик омил, захкашлар, сизот сувлар, фермер хўжаликлари, ғалла пахта майдонлари, кам, ўртача, қучли шўрланган тупроқлар.

ВЛИЯНИЕ ПЛОДРОДИЯ ПОЧВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННУЮ ЭКОНОМИКУ (СУРХАНДАРЬЯ НА ПРИМЕРЕ)

Отамуродова Дилдора Абдукаримовна -
Преподаватель Термезского инженерно-
технологического института

Аннотация. Анализ влияния засоления почв разного уровня на урожайность хлопка и зерна как экологического фактора в отраслях сельского хозяйства Сурхандарьинской области и анализ экономической эффективности. Рекомендации по предотвращению засоления почв, повышению экономической эффективности.

Ключевые слова: экологический фактор, фермеры, инфильтрационные воды, фермерские хозяйства, хлопковые поля, почвы низкого, среднего, высокого засоления.